АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ “САРОБ” РОМАНИДА ЗИЁЛИ ОБРАЗИ

Б.МЎМИНОВ

В статье рассматривается своеобразие художественной интерпретации образов представителей интеллигенции в романе А.Каххара «Мираж».

In this article are reviewed the peculiarities of artistic interpretation of characters representing the intelligentsia in the novel “Mirage” by A.Khahhar.

Ҳар бир тарихий даврдаги жамиятнинг тараққиёт даражаси шу давр зиёлиларнинг, тараққийпарвар кишиларнинг фаолияти, қарашлари билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қаралса, XX асрнинг ниҳоятда кескин ижтимоий-тарихий, сиёсий ҳамда маданий воқеаларга бой бўлган 20-30-йиллари бугунги кун кишилари учун яхшигина сабоқ вазифасини ўтайди. Бу даврга келиб ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ўзгарган, ҳукмрон мафкура томонидан олиб борилаётган сиёсат кишилар онгида бирмунча мустаҳкамланиб улгурган эди. Айниқса, оммага – меҳнаткаш халққа илғор совет ҳукумати олиб бораётган “одилона сиёсат”ни тушунтириш (тўғрироғи сингдириш), бу борада асосий восита бўлган адабиётни коммунистик ғоялар тарғиботига йўналтириш бирламчи вазифа деб белгиланди. Бу ҳолатлар “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати” (1925 й.) ҳамда “Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида” (1932 й.)ги ҳужжатларда кўрсатиб берилди. Ҳаётда “марксча-ленинча эстетикага таянадиган, социалистик жамият қуриш учун курашга йўналтирилган ягона адабиёт яратиш муаммоси диққат марказига чиқарилди” [1.35]. Бу бевосита даврнинг илғор фикрли кишилари – зиёлилар онгида, уларнинг ижтимоий-эстетик қарашларида ўзига хос ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Худди мана шу воқеликда, ўша ғоялар таъсирида шаклланган ижодкорлар мавжуд тузум моҳиятини, жамият ҳаётидаги турфа хил қарама-қаршиликларни реализм (гарчи социалистик бўлса-да) принципи асосида тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Энг муҳими, адабиётда миллатнинг маънавий, умумлашма қиёфасини ифодаловчи кишилар – зиёлилар образи акс этган асарлар майдонга келди.

Абдулла Қаҳҳорнинг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Сароб” романи ҳам ўша давр талаби натижасида яратилган асар бўлди. Асар йигирма беш ёшли адибнинг коммунистик ғояларга ишонч руҳида ёзилган бўлиб, бу ҳақда бир қатор адабиётшунослар, жумладан Раҳмон Қўчқорнинг “Мен билан мунозара қилсангиз” китобида атрофлича фикр юритилган. Айниқса, етук адабиётшунос У.Норматов романга объектив ёндашиб, асар ҳақида адибнинг ўз фикрларини келтириб ўтади: “Буюк бурилиш йили бошланди. Шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўр жон талвасасига тушди. Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва “янги” зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари билан учраштирди... қўлимга янги қалам олганимда, дин ва дин аҳлларига қарши болалигимдан бери кўксимда йиғилиб ётган аламни тўкишга қанчалик шошилган бўлсам, буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганларимни тенгқурларимга, бутун халққа айтишга шунчалик шошилдим. Мен адабиёт кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим” [2.24]. Ҳақиқатан ҳам, тоталитар режим ва унинг қаттиқ сиёсати, ўша давр фожеий ҳолатлари ёш ёзувчининг қарашларига салбий таъсир этган эди. Табиийки, бу ҳолатлар романда маълум даражада ўз ифодасини топган. Бироқ бадиий асар ўзи яратилган давр ҳукмрон мафкурасининг иллюстрациясигина эмас, бу ҳолда у бадиий жиҳатдан етуклик даъво қилолмайди. “Сароб” муаллифи ҳам ҳукмрон ҳукмрон мафкуранинг шунчаки тарғиботчиси даражасида қолиб кетмади, асар ғоявий-бадиий мазмунини совет мафкураси ғоялари билангина чеклаб бўлмайди. Ёзувчи ҳар қандай вазиятда ҳам санъат қонуниятларидан четга чиқмаган ҳолда иш кўрган ва ўзининг бадиий мақсадига эришганки, буни узоқ даврлар мобайнида кечаётган баҳс-мунозалардан ва вақтнинг шафқатсиз синовларидан омон чиқиб келаётган романнинг ўзидан ҳам кўриш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, бадиий адабиёт қонуниятларига тўла жавоб берувчи бу роман ўша давр кишилари руҳиятини, жамият ҳаётида кечаётган ўзгаришларни ҳаққоний акс эттирганлиги билан ҳанузгача ўз қимматини йўқотмай келмоқда.

Адабиётшунос Раҳмон Қўчқорнинг “Сароб”ни сиёсий роман, унда аксилинқилобий, миллатчилик ҳаракатларини фош этиш асосий ғоявий мақсадни ташкил этиши ҳақидаги фикрларига зид ўлароқ, устоз Умарали Норматов асардаги қаҳрамонлар таҳлили хусусида бошқачароқ фикрлайди: “Шу тариқа оқ-қорани тушунган, маърифатли, зиёли бу кимса мутелик, итоаткорлик, қуллик туйғуси бобида адиб ҳикояларидаги маърифатдан йироқ, оми персонажларни ҳам йўлда қолдириб кетади. Бу ҳол 30-йиллар шароитида жиддий бир огоҳлантириш эди. Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби қатъиятсизлик туфайли жаҳолат бо-

тқоғига ботиб кетиш, инон-ихтиёрини ўзгалар изнига топшириб оддий малайга, қулга айланиб қолиш мумкинлигини, афсуски, ўша кезларда биров сезди, биров сезмади; сезганлар эса журъатсизлик оқибатида ўзларини билмасликка солдилар. Бу нарса миллат, жамият учун қанчалар қимматга тушганлиги маълум...” [2.32]

Романдаги аксарият қаҳрамонлар турли типдаги зиёли кишилар, ўша давр ижтимоий ҳаётидан хабардор ва унга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилган жамият аъзоларидир. Ёзувчининг асосий мақсади уларнинг қарашларидаги, ижтимоий фаолиятларидаги ўзгаришларни очиб бериш орқали мавжуд ижтимоий ҳолатларга холисона баҳо беришга қаратилган. Рус адабиётшуноси Константин Симонов таъбири билан айтганда: “Инқилобдан кейинги йиллардаги зиёлиларнинг тақдирини бош қаҳрамон, яъни адашган ва охир-оқибатда боши берк кўчага кириб қолган одам тақдири орқали кўрсатган бу китоб муайян синф тақдирини халқлар тақдирига қарама-қарши қўйиш йўлига ўтиб олганларга нисбатан шафқатсиз танбеҳ эди” [3.49].

“Киши йўналишини, бошқача қилиб айтганда, киши характерини белгилайдиган нарса, уни маълум бир изга соладиган омил ўша кишидаги биологик ва физиологик аломатларгина эмас. Бу ерда ирсиятнинг роли ҳам жуда кам. Гап кўпроқ ижтимоий муҳитда. Муҳит кишиларнинг характерини шакллантиради, унга бир қатъий йўналиш беради” [4.73]. Асарнинг бош қаҳрамони Раҳимжон Саидий бўлиб, романдаги асосий воқеалар мана шу қаҳрамоннинг эволюцияси – ўз мақсади йўлида турли йўлларга кириши, ундаги кишилар билан муносабатлари, ниҳоят унинг таназзули билан боғлиқ. Асарда асосан икки хил типдаги зиёлилар образини кузатамиз. Биринчи типдаги зиёлилар мавжуд тузумни ёқловчи, унинг тартиб-низомларига амал қилувчи, коммунистик партияга содиқ ва унинг ғояларига ишонч билан яшаётган Кенжа, Эҳсон, Шариф, Теша, Пўлатов, Йўлчибой кабилардир. Иккинчи типдаги зиёлилар октябрь инқилобидан рўшнолик кўрмай, орзулари пучга чиққан, шўролар тузумига қарши зимдан курашаётган миллатчи зиёлилар сифатида тасвирланган Муродхўжа домла, Ниёзмат Ҳожи, Салимхон, Аббосхон, Жамол Каримий ва Мирза Муҳиддин кабилар. Саидий эса аввалига эҳсонлар кетаётган “тўғри” йўлдаги, кейинроқ Кенжа айтгандек, “бир гуруҳ чирик одамлар” оқимига тушиб қолган ва бу йўлни ўзича тўғри деб билган мураккаб шахс. “Асар давомида биз Саидийни совет ҳукуматига қарши кураш олиб борувчи синфий душман сифатигинада эмас, жонли одам сифатида ҳам, ҳар қандай инсонда ҳам учрайдиган айрим ижобий сифатларга эга шахс сифатида ҳам кўрамиз. Фаросатли, зийрак, фаҳми ўткир, серандиша, ҳушёр, ўз хатти-ҳаракатларини ақл тарозусига солиб таҳлил қилиб кўроладиган йигит... Тўғри бу сифатларнинг ҳаммаси бирикканда ҳам, Саидийни том маънодаги ижобий шахс даражасига кўтармайди. Аммо шу сифатлар туфайли Саидийнинг ҳамма хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, қилиқлари, ишлари жонли одамларникига ўхшаган характер касб этади. Буларнинг бари жуда муҳим, чунки реалистик адабиётда қаҳрамон ижобий бўладими, салбийми – бири бир, биринчи навбатда тўлақонли инсон бўлиши керак, унинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи, гапирадиган гапи бақувват ички мантиққа эга бўлмоғи, китобхонни ҳеч қандай гап-сўзсиз ишонтирмоғи керак” [5.202]. Саидийнинг худбин зиёли бўлиб шаклланишида, аввало, оилавий муҳит (бадавлат оиладан чиққанлиги), “Урфон” мактабида муаллимлик қилаётган, биринчи жаҳон уруши даврида асирга тушиб, кейинроқ озодликка чиққан ва Туркистонда қолиб кетган турк зобитларининг ва, ниҳоят, Мунисхоннинг ҳам таъсири катта бўлди. Ёзувчи маълум маънода асар қаҳрамонлари бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларга ўз ҳаёти давомида гувоҳ бўлган, ёки шунга ўхшаш ҳолатларнинг ижтимоий ҳаётда бўлаётганини теран англаб етган ва буларни бадиий тадқиқ этишда муваффақиятга эришган. Абдулла Қаҳҳорнинг ўз идеалига зид қаҳрамонни асосий планда тасвирлаши ўз даврида ҳам, кейинчалик ҳам турли баҳсларга, бирёқлама танқидий қарашларга сабаб бўлди. (Бу ҳақда Б.Назаров, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Раҳмон Қўчқорнинг қатор маълумотлари мавжуд.) “Бинобарин бу образ ҳам муайян ғоявий мақсадларга – миллатчилик мафкурасини фош этишга хизмат этувчи восита эмас, балки табиий инсоний зиддиятлари, ожизликлари билан жаҳон адабиётида мавжуд шу турдаги персонажлар сифатида турувчи ёрқин характердир” [6.30]. Бу фикрларнинг мантиқий давоми сифатида шуни айтиш мумкинки, агар Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида ўз идеалига мос қаҳрамонни тасдиқлаш орқали идеалига зид воқеликни инкор қилган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ўз идеалига зид қаҳрамон – Саидий ва унинг “кичик муҳити”ни инкор қилиш орқали идеалига мос воқеликни тасдиқлаш йўлидан боради [7.260]. Бундан кўринадики, ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда ижодкор учун муайян қолип-андозани белгилаб бериб бўлмайди. Кимдир ижобий қаҳрамон воситасида, яна кимдир салбий ёки мураккаб қаҳрамон воситасида бадиий мақсадни ифодалаши мумкин.

Асарни ўқир эканмиз, шундай савол туғилади: нима учун ёзувчи асарга зиёлилар образини танлаб олди?

Давр ижтимоий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар жамиятдаги кишилар тафаккурида ҳам сезиларли янгиланишларни, тафовутларни келтириб чиқарган эди. Жамиятнинг турли синфларга ёки гуруҳларга ажралиши оқибатида адабиётда ҳам “ишчи зиёли”, “деҳқон зиёли”, “қизил зиёли”, “коммунист зиёли”, “эски зиёли”, “янги зиёли”, “миллатчи зиёли” каби турфа хил қиёфадаги ва маслакдаги образлар яратила бошланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, “Сароб” романида икки хил мафкура тарафдорлари – коммунист зиёлилар ва миллатчи зиёлиларнинг ўзаро курашлари тасвирланган. Ёзувчи

зиёлилар руҳиятини очишда, характерларни мантиқан асослашда чинакам ҳаёт ҳақиқатига таяниб иш кўрган. Масалан, Раҳимжон Саидий дўсти Эҳсон ёрдамида ишчилар факультетига ўқишга киради. Шафрин, Кенжа, Шариф каби янги давр одамлари билан танишади. Лекин ундаги худбинлик аста-секин уни бу кишилардан узоқлаштиради ва Мунисхон воситасида салимхонлар оқимига олиб бориб ташлайди. Бу "кўлмак"да у катта бир денгизда сузиб юргандек бахтли ҳаёт сурурини туяди. Бироқ унинг барча хатти-ҳаракатлари мақсадсиз ва маънисиз эканлиги, охир-оқибат ҳеч қандай натижага эриша олмагани унинг ана шу чиркин муҳитга кўникиб, унинг кўринмас қонунларига мутеларча бўйсунишига олиб келди. Ниҳоят Саидий "...ўзига ўзи ҳисоб берди, оқим ўзини қаёққа олиб кетаётганлигини фаҳмлаб, кўзини чирт юмди-да, "хайр, нима бўлса бўлар..." деб қўл силтади" [8.160-161]. Айрим мутахассисларнинг қарашларига кўра, Саидий образи Жек Лондоннинг Мартен Иден, Горькийнинг Клим Самгин образларидаги бир қатор хусусиятларни ўзида мужассам этган ўзбек адабиётидаги янги типдаги қаҳрамондир. У бутун асар давомида иккиланишлар, руҳий эврилишлар гирдобида қолади, курашганда ҳам фақатгина қайнотаси Муродхўжа сингари шахсий манфаати – натижасиз мақсади йўлида курашади. Саидий адашиб кириб қолган ўша муҳитда ҳам нофаол, яъни яширин ташкилотнинг ишларига бирор улуш қўшолмайди, ўртамиёна одам бўлиб кун кечиради: "Саидий янги гап ташкил қилишга кўп уринди, бир неча ёшларнинг қўйинларига қўл солиб кўрди, аммо ҳеч иш чиқаролмади, чиқаролмади эмас, ҳар сафар бир хавф туғдириб, бундан сўнгги фаолиятининг йўлини беркитар эди; оқибат шундай бўлдики, бировнинг олдига боришга, даромад қилишга безиллаб қолди" [8.188]. Саидий муҳаббатда ҳам, ҳаётда ҳам, фаолиятда ҳам ютқазди, ёзувчиликда ҳам омади юришмади. У ўз худбинлиги, аниқ бир мақсади йўқлиги учун таназзулга учради, муҳитнинг қурбонига айланди. Ёзувчи ўзи эътироф этганидек, Саидий образи орқали "улуғ йўл" бошида иккиланиб турганларга тўғри йўлни кўрсатишга уринди. Яъни адиб мафкуравий ҳуружлар кучайган тоталитар режим шароитида мустамлака ўлкадаги кишиларнинг, асосан, турли типдаги зиёлиларнинг аччиқ қисматини романнинг асосий проблемаси қилиб олди ва уларнинг ўша муҳитдаги зиддиятли курашларини ижтимоий-тарихий ва социал-психологик принцип асосида маҳорат билан ёритиб берди. Шу билан бирга, Абдулла Қаҳҳор ҳар икки типдаги зиёлилар образини яратишда, уларнинг характер хусусиятларини тасвирлашда ўзининг ижодий манерасига зид бўлмаган объектив ёндашиш йўлидан боради. Шунинг учун ҳам асарда мавжуд ижтимоий тузумдан норозилик ёки унга бўлган ижобий муносабат ифодаланганлигини қидириш ўринсиздир. Ёзувчи реал ҳаётий воқеликни бадиий асарда тўлақонли ифодалашга эришганки, баъзилар бундан адибнинг "асар қаҳрамонлари ва уларнинг муҳитига мойиллиги бўлган" каби нотўғри тушунчаларни ҳам билдирганлар. У.Норматов таъкидлаганидек: "Сароб" бадиий ижоднинг ғаройиб ички қонуниятларини яна бир бор тасдиқловчи, реализмнинг сирли-сеҳрли куч-қудратини намоён этувчи бадиий ҳужжат сифатида ҳам қимматли... Қаҳҳорнинг "буржуа миллатчилиги"ни фош этишни ният қилиб ёзган "Сароб" романи туб моҳияти эътибори билан бошқача – башариятга хос инсоний ожизликлар ва уларнинг фожеий оқибатларини ифода этувчи нодир санъат асари бўлиб чиққан" [6; 31]. Умуман, ёзувчининг маҳорати шундаки, "20-йиллардаги ўзбек воқелигини сиртдангина эмас, ичдан ҳам теран акс эттирган, том маънода юксак ғоявийлик билан суғорилган, психологик характеристикаларнинг мукаммаллиги билан, бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Бу роман ўзбек адабиётида реалистик методнинг шаклланишида катта роль ўйнайди. Уни Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидан кейин ўзбек прозаси забт этган иккинчи чўққи деса бўлади" [5; 229-230]. Адиб ана шундай мураккаб сиёсий вазиятда ҳам жамият ҳаётидаги барча оқ ва қора рангларни ҳеч иккиланмай, ўз идеалидан келиб чиқиб тасвирлаганлиги, жамиятнинг асосий бўғини бўлган зиёли кишилар характер хусусиятларини юксак бадиийлик мезонларида ифода этиб, ҳаёт ҳақиқатига чинакам содиқ қолганлиги роман ва унинг муаллифига бўлган эътирофимизни яна бир карра оширади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Н.Худойберганов, А.Расулов. Ўзбек совет адабий танқидчилиги.- Т.: Ўқитувчи,1990
2. У.Норматов. Устоз ибрати.- Т., 2007
3. Абдулла Қаҳҳор замондошлар хотирасида.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1987
4. М.Қўшжонов, У.Норматов. Маҳорат сирлари.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1968
5. О.Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. Т.: Адабиёт ва санъат, 1989
6. У.Норматов. Қаҳҳорни англаш машаққати.- Т.: ЎзМУ, 2000
7. Д.Қуронов. Чўлпон насри поэтикаси.- Т.: Шарқ 2004
8. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 3-том.- Т.:Адабиёт ва санъат, 1967

Андижон давлат университети
2011 йил 28 январда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)